

Шоира Тоғайқулова

# ХАЁЛ ОСМОНИДА

*Шеърлар*

---



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2007

84(59)6-5

HO 33616  
091

Ушбу тўпладан сиз Шоира Тоғайкулованинг шеър дарди, аёл маънавияти, Ватан ишқи ва ишқ азоби каби қатор фалсафий мушоҳадаларга йўғрилган руҳий чизгиларини эътироф этасиз.

Ўйлаймизки, тўплам сизда чуқур таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2007 йил.

2007/04  
A57440  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
uzbekiston MF

## Шоира ҳақида сўз

Шоира Тоғайкулованинг асли касби ўқитувчилик. Ҳар нафасда болалик оламига бақамти жараён уни шеърят дунёсига етаклаб келгани — айни кезларда руҳият манзараларида ҳам сезилиб турибди. Шоиранинг илк шеърини қўлга олганимда, ўйчан руҳиятни, сокинлик ва оддий кечинмаларнинг сеҳрли мушоҳадаларини англаганман. Бу ўйчанлик замирида тоза бир руҳият, осойиш, теранлик мужассам. Сатирларда Аёл қалбининг кечинмалари, сирлари, синоатлари, ҳали кашф этилмаган номсиз туйғуларнинг оламини кузатгандайман, назаримда. Ундаги самимият шеърларга кўчган. Шеърдан шеърга кўчиш замирида гоҳ Ватан, гоҳ ишқ, гоҳ тарихий сиймолар билан боғлиқ бекатларни теран илғаш мумкин.

Туман “Ғузор ҳаёти” газетасида чоп этилган унинг илк шеърий машқлари мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди. Маънавият манзараларини ўзида жамлаган “Ҳаёт”, “Шукрона”, “Аёл қалби” шеърлари бутун борлиғи билан ўзига хослик касб этади. Бирин-кетин қоғозга тизилган нафис шодалар гулдастаси энди гўзал гулдаста бўлмоғига, ўз ўқувчисини топа олмоғига ишонч комил. Унинг мана бу сатрларига эътибор беринг-а:

Асл дўстинг дўст йўлин тутар,  
Ёмонликни кўрмагай раво.  
Шод кунингга шерик бўлгайлар  
Ахир, шундан ёруғдур Дунё.

Шоира дунёнинг ёруғлигини ана шундай деб биллади. Бошқача қилиб айтганда, китобхонни фалсафий мушоҳадалар юритишга ундайди. Шеър ҳам асл дўст сингари шод кунингга шерик бўлгувчи руҳий неъматдир, демоққа шайланган қалб—ана шу иқрорлик умиди билан яшайди.



Шоиранинг илк қадамларини қўтламоқ керак. Олдиндаги манзиллар эса тинимсиз меҳнат, изланиш, Шоиранинг эзгулик умиди билан йўнилган қалами билан очилаверади, назаримизда.

Ойдин манзилларда бахт топмоқ умиди, эришмоқ умиди уни-да, сира тарк этмасин, илоҳим.

Абдумажид Азимов,  
*шоир.*



## Ватан

Аждодларим йўлларига боқиб ҳайрон,  
Ҳайрат ўти эгаллайди вужудимни.  
Ватан, зарра тупроғингни қўлга олсам,  
Эшитаман асрларнинг шуқуҳини.

Тўмарисдай маҳобатли Аёл бўлиб,  
Жангоҳларда гурурини асрай олган.  
Бир қиёфа намоёндин кўз ўнгимда,  
Удир боқий ориятга садо солган.

Ватан, сарин саболаринг муждасида,  
Усмон Носир, Чўлпонларинг иборасида  
Ғуборингни кўргандайин титрагайман,  
Тебранамаман, заминнинг ҳар заррасида.

Ватан, озод қушинг, баланд учаверсин,  
Парвозларинг олисларни қучаверсин.  
Ўн саккиз минг олам узра кўз туморим,  
Истиқболинг, истиқлолинг баланд бўлсин!



## Ҳеч кимса адашмасин...

Муддаойинг не сенинг,  
Иблис йўлин танладинг.  
Дилларга солиб раҳна,  
Бундан нени англадинг!

Адоват нега, нечун,  
Сенга Меҳр бегона.  
Ўз юртингда ўзгасан,  
Наҳот ётдир остонанг.

Ёвузлигинг наф бермас,  
Қаро қилур юзингни.  
Наҳот қординг тупроққа,  
Еган нон-у тузингни.

Ватаним фарзандлари,  
Сенга асло ён бермас.  
Қўриқлайди шаънини,  
Юртини ёвга тутмас!

## Дўстимга

Азиз дўстим, дилдошим,  
Сизга тилай омонлик.  
Ҳаёт—катта имтиҳон,  
Зинҳор кўрманг ёмонлик.

Инъом этсин, Оллоҳим  
Тўкис бахти камолни.  
Умрингиз чоғ-чароғон,  
Кўрманг асло заволни.



## Юрагим

Яраланган қуш мисол,  
Парвозларни қумсайсан.  
Мажруҳ бўлган бу кўнгил,  
Илк севгини эслайсан.

Тақдир бекатларини,  
Сенсиз босиб ўтдим Ёр.  
Икки дунё оралиғи  
Билсам энди кажрафтор.

Кўз ёшим бўлиб дарё,  
Ҳар лаҳза ёниб ўтдим.  
Изладим, чиқди рўё,  
Боримни шеърга тутдим.

Сенингсиз ютдим оғу,  
Кўнгил экан, на чора.  
Унутмоқ амри маҳол,  
Ишқ йиғлайди бечора...



## Ҳайрат

Гоҳи дилни ўрар ғам,  
Бургут кўзли қиз эдим.  
Қисмат солди шу кўйга,  
Нетай, бағримни тилгум.

Гуноҳим не эй, фалак,  
Ёруғ дунё ёт менга.  
Гўё чизик тортилган,  
Ҳаёт ҳайратдир менга.

Тангрим, асра дейман-а,  
Кўнгли сўқир бўлмоқдан.  
Дунё гарчанд зулматли,  
Унда беиз сўлмоқдан...

## Миннат

Татимайди еган ошимиз,  
Гарчи қўшилса унга бир миннат.  
Юрак бағринг ёриб ўптудай,  
Етказади кўнгилга заҳмат.

Қаранг, қуёш нури беминнат  
Ёғдусидан яшарар диллар.  
Заррасида яшар муҳаббат,  
Зиёсидан нурланар гуллар.

Чарх уради шу зайл фалак,  
Оқ ва қора чизиклар ҳайҳот!  
Шу аснода айтиш жоиз ҳақ,  
Миннат сўздан асрагин фақат...





## Аёл меҳри

Аёл, меҳр меҳвари,  
Аёлни асранг, қўлланг.  
У дунёнинг қувончи,  
Дилбар номалар йўлланг.

Аллалардан яралган  
Қўшиқ—дунёдир унга.  
Ўқилмаган шоҳ асар,  
Мулки зиёдир унга.

Келажакнинг мевасин,  
Улғайтирар безавол.  
Унга беринг дунёни,  
Меҳрини этманг увол...



## Оқибатни унутманг, зинҳор...

Бир бешикда тебраниб,  
Улғайдингиз бирма-бир.  
Меҳр—битта, тан—битта,  
Гўё боғлиқ жон томир.

Аллаларни тинглаган,  
Сиздаги шу нигоҳлар.  
Бугун нега ўзгасиз,  
Бу меҳрсиз титроқлар.

Волидангиз меҳрини,  
Унутдингиз мунча тез.  
Ўзга-ўзга манзилда  
Босаяпсиз ўзга из.

Кенг ҳовли тордир, нега,  
Кўнгил нега кенг эмас.  
Бир-бирингиз соғинмай,  
Кўрмоқни этмас ҳавас.

Оқибатни унутмоқ,  
Кўнгил нега ўртанмас.  
Бир чимдим, меҳр қани,  
Наҳот Сизни ўртанмас...



## Аёл—меҳр меҳвари!

(Ҳайдар Яҳёни ўқиб)

Ашъорингиз дил тортар  
Бир ҳикматни англадим.  
Ҳаёт асли ишқ экан,  
Ишқ йўлини танладим.

Ишқ аслида инсоний,  
Азалий бир қўшиқдир.  
Унда жамдир ажиб сир,  
Эзгуликка бешиқдир.

Шоирликка даъвом йўқ,  
Лекин, қалбада бир нидо.  
Шеър дунёси чорлайди,  
Азалий ишқдан садо...



## Алла

(Онамдан тинглаганларимга ишора)

Алла жоним, алла-ё  
Кўзларингда дунё-ё.  
Жоним, асал боламсан,  
Алла, гулим, алла-ё.

Сен лоламсан, алла-ё  
Бир оламсан, алла-ё  
Суянчиғим, суюнчим,  
Эй, Оллоҳим, қўлла-ё.

Кўзмунчоғим, туморим,  
Сен-ла борми, губорим.  
Алла, болам, алла-ё,  
Отар тонгим, баҳорим.

Алла-ё, алла!



## Дийдор

Дўстларим ҳол сўрашса,  
Қалбим уйи кенгаяр.  
Сифмай кетгум оламга  
Саодатдан дил қонар.

Майли бойлик бўлмасин,  
Зийнат бўлсин Эзгулик.  
Дўстинг майлига бўлсин,  
Дилда эъзоз этгулик.

Бир бурда нон насиба,  
Гул даврада яйрайман.  
Дунё ўзи бир дийдор,  
Ҳар кунингга ярайман.

Умр оқар дарёдай,  
Оқимлари имтиҳон.  
Дўстим қувват кетмасин,  
Тириклик ҳам бир имкон...



## Онам...

(Қушиқ)

Онам десам, кўзларимда қуёш кулар,  
Қалбим баҳор ифоридай масрур тўлар.  
Қадамларим сиз-ла шаҳдам ғурурлидир  
Бу дунё борлиғидан дил нурланар.

Онажоним, сочларида қировлар бор,  
Дунё—манзил кечмишида сўровлар бор.  
Фарзанд бўлиб иқболини куйлай дейман,  
Куйчи қизинг бўлай дейман, авваламбор.

Онажоним, заҳматингиз оқлай олсам,  
Қалбингизга куйланмаган ашғор солсам.  
Меҳрингиздан бу дунёни лол этолсам,  
Тентгизгина олам ичра Олам онам...

## Илҳомим

Жўшиб куйламоққа ундайди бир куч,  
Гоҳ тошқин дарёдай тутқич бермайди.  
У гоҳи юракка юпанч ва овунч  
Кўнгилга қўнади, паришон, дайди.

Кетмайди соҳиран, толиққан мисол,  
Унга ён бермайди, дийдорин излаб,  
Оқ қоғоз кўнгилнинг мулки бемажол  
Гоҳ ортдан чопаман, қани деб бўзлаб.

Яна пайдо бўлар кўнгил яйрарди,  
Юракда учади, эркатой алам.  
О, илҳом париси тинчимни олдинг  
Сенга эргашади, озурда қалам...



## Мусаддас

*(Ошиқ Эркинга ўхшатма)*

Мен сени қанчалар тенгсиз десам ҳам  
Азизим, ягонам, бекам десам кам.  
Дунёда сийрат-у суратинг тенгсиз,  
Бу ёрти оламда қиёсинг мубҳам.

Сиримсан, сочлари сумбули гўё,  
Тегрангда айланар, зийнати дунё.  
Самода порлаган Ойим экансан,  
Қуёшга менгзасам, бўлмасму рўё.

Гоҳида булутдай қаҳринг сезурман,  
Нигоҳлар тафтида меҳринг сезурман.  
Борлиққа сочилган туйғуларимдан  
Шеъримга сиғмаган сеҳринг сезурман...



## Янги йил...

Янги йилда тилаклар бисёр  
Шод-у хандон олқишлаб йилни.  
Ногоҳ сўнган олис гиналар,  
Тарк этгучи тоза кўнгилни.

Кел, эй дўстим, кўнгил, эшигин  
Кенг очайлик, бир-биримизга,  
Фақат тилаб, эзгулик, бахтни  
Меҳр сўзин солайлик дилга!

О, тозарсин қалб кошонаси  
Янги йилнинг иссиқ тафтидан.  
Шодумонлик қасрин қурайлик,  
Дил яйрасин, йилнинг бахтидан.

## Сўнги кўнғироқ...

Жаранг берар, юракка титроқ,  
Ҳаёжонли диллар паришон.  
Бу сенмисан, жўшқин кўнғироқ,  
Сўнги дейиш бунча оғирроқ.

Сергак тортиб, ўйга толаман  
Дилни тилар, сокин бир сўроқ.  
Наҳот мактаб бағрин тарк этиб  
Кетмоқдамиз, қийнайди титроқ.

Олдда манзил, орзулар томон  
Шайланамиз, ниятлар булоқ,  
Бироқ дилга солар бир фироқ  
Чалинмоқда сўнги кўнғироқ!





## Кел—эй, дўстим...

*Уни севди, фақат... Ошиқлар!*

Оғам дейму... Сиз сокин устоз  
Шеърда ўйчан оташлар ёнган.  
Иймон ила эътиқод кучин  
Ҳар сатрида, маънос битолган.

Шавкат Раҳмон, деганда тилим,  
Куйгудайин ғамга ботаман.  
Тақдир бунча аянчли, тахир,  
Мунисгина дардим тотаман.

Олмос янглиғ ялтираган тош  
Заррасида ёнар қўшиқлар.  
У баҳордай кирди қалбларга,  
Уни севди фақат ошиқлар...

Оғам дейму... Сиз ўйчан устоз!



## Ғузорим

Момолари бийрон сўзлар эртақлардан  
 Дуоларга қўл очади тилақлардан.  
 Момо элим, меҳварингда бахтлар бисёр  
 Ғузоримсан, ҳам оримсан, бағринг баҳор.

Далаларинг, кенгликларинг, оромижон  
 Пачкамаринг тафтидадир, жумла-жаҳон.  
 Қўрғонингда бекларингнинг излари бор,  
 Ғузоримсан, ҳам оримсан, марду майдон.

Жалолиддин, Темурийлар изи қолган  
 Улар босган кечмишларнинг сўзи қолган.  
 Ҳожисорсан, тарихингда ҳикмат яшар—  
 Ғузоримсан, ҳам оримсан, дил қувонган.

## Ўзбегим

Миллатим заминда қадди сарбаланд  
 Қадрига сўз етмас, нияти улуғ.  
 Ўзбегим жаҳонда шавкати жаҳон  
 Темур шажараси, шонидир қутлуғ.

Осмонга бўйлашар деҳқон хирмони  
 Зар-у зебарларга менгзаб бўлмагай.  
 Болажон эл эрур, асл зийнати,  
 Зийнатки, таърифи, сўзга тўлмагай.

Наврўзий қадрият, бахтнинг бешиги,  
 Унда улғаяди эзгулик ҳалол.  
 Ўзбегим орзуси—бахтнинг элчиси,  
 Унда акс этади олий Истиқбол!



## Дунё

Нечун, бунча сирлисан дунё?  
Нокасларга кенгмисан Дунё.  
Сенга боқиб ҳайронман гоҳо—  
Ё барчага тенгмисан дунё.

Сени куйлаб адоғинг топмас,  
Шоирларинг қалами толмас.  
Бани одам сирларингдан лол—  
Таърифингни адо этолмас.

Гоҳи дилхун, гоҳ онамдайин  
Меҳри бисёр уммонсан, майин.  
Ғофил банданг дилинг ёритгил—  
Дунё сени не деб атайин...

Нечун, бунча сирлисан, дунё!



## Аёл

Ҳамиша жилмайиб боқар бу аёл,  
Кўксида чексиздир азалий хаёл.  
Умрнинг залворли ташвишлари мўл,  
Шунда ҳам қалбида ёниқ бир савол.

Яқин жигарларим йўқлай олдимми,  
Онажон, тушларим сизга кўчади.  
Омонми, бормисиз, туғишганларим,  
Аёл хаёлларни бедор кучади.

Энтикиб сезади, соғинч рангини,  
Онажон, дейди у, билдим қалбингиз.  
Онам болам дейди, кўнглида ташвиш,  
Учиб боролмадим, тинчми дилингиз...

Аёлни яратмиш, Тангри сабрдан,  
Сабру бардошидан яшайди ўктам.  
Қалбига боқингиз Аёл бу— хилқат,  
Юракда соғинч-у яшайди бардам.



## Ўзбек йигити

Келбатидан асрлон чўчир,  
Курашларда мард, ўғлон.  
Шавкатидан куч оласиз,  
Салобати минг чандон.

Қафасдаги булбулни ҳам  
Ҳофиз каби куйлатар.  
Дунё лолдир шоҳмот узра,  
У дунёни ўйлатар.

Ўзбекнинг шон, ғурурини  
Олам узра ёйгайдир.  
Мард—майдонда синалгандай,  
Бахтин элдан топгандир.

Офаринлар айтинг, унга,  
Ўзбек шонин фахридир.  
Тўйлари мўл миллатимнинг  
Ҳам қувончи бахтидир.



## Онамсан, Ўзбекистон

Кўҳна дунё сирларин,  
Мозийининг варақларин.  
Мезонин таҳлил этай,  
Ҳадисин кўзга суртай.

Боболарим меҳрини,  
Момолар қалб кўрини.  
Дейман, дўстим кўзга сурт,  
Қадрини сарбаланд тут.

Осмонлари губорсиз,  
Ориятли одамлар.  
Бунда бисёрдир сурур,  
Покдомон, хур қадамлар.

Элимнинг кекса-ёшин,  
Омонликдир тилаги.  
Бунда ғолиб орият,  
Ватан меҳри—юраги!

## Қор ёғмоқда

Қишнинг файзи бўлакчадир,  
Губорларинг ювади.  
Оқлик ичра эрка борлик,  
Дардларингни қувади.

Кўкдан учар оқ юлдузлар,  
Яйдоқ йўллар диловар.  
Кўксинг тўлиб нафас олсанг,  
Умидларга баробар.

Оқ зарралар юрагимнинг  
Торларидай саросар.



Кел, дилдошим сирлашайлик,  
Соғинчларга баробар.  
Қор ёғмоқда, қор ёғмоқда,  
Кумуш осмон сарафроз.  
Шеър ёзмоққа ундар қалам,  
Орзулар қилар парвоз!

### Тонг ва тун

Меҳмонлигин билиб тун ҳам  
Осуда ҳол чекинмоқда.  
Гулгун юзин ёпиб Моҳ ҳам,  
Ё нозланиб бекинмоқда.

Муҳаббатин тафти билан,  
Ой заминга сокин боқар.  
Ҳижрон назар солмасин деб,  
Мунисгина, нолон оқар.

Юксакликка сузар моҳтоб,  
Куёшига салом йўллар.  
Афсус, улар учрашмаслар,  
Бир-бирини излаб юрар...



## Марсия

*(Холам хотирасига бағишлов).*

Алам-у дард ўртар мени,  
Кўзларимда халқа ёш.  
Қирқ ёш, асли нима эди,  
Кетдингиз-а, олиб бош.

Орзулари олам жаҳон,  
Тўйлар кўрмай кетдингиз.  
Суратингиз, сийратингиз,  
Нечун армон этдингиз.

Оҳ, айрилиқ оғир экан,  
Сизни излаб бўзлайман.  
Сирдошгина, мунисгина,  
Қаддингизни излайман.

Фано ҳақдир, дийдор—армон,  
Ожиз тилим айтмоққа.  
Сўзлаш оғир, қалам ожиз,  
Хотирангиз битмоққа...





## Қизалоғим Дилдорага

Олти ёш нурли қадам,  
Қизалоғим, дурдонам.  
Сен кўкдайн губорсиз  
Ҳам сирдошим, яғонам.

Қамолингдан яйрайман,  
Бол-у асал тилинг бор.  
Овунчоғим, қувончим,  
Меҳринг эса бетакрор.

Оқиламсан, шу ёшда  
Қамолотинг тилайман.  
Шеърим камлик қилса гар—  
Бор меҳримни йўлайман.



## Она замин

Она замин зар тупроғим,  
Куч оламан тафтингдан.  
Гул-у райхон, ифорлари,  
Таралгайдир бағрингдан.

Нафис боғлар сўзлаб турар,  
Тўқислиқнинг таърифин.  
Сахрода ҳам гул ундирган  
Деҳқонимга офарин!

Она замин—зар тупроғим...

## Туш, ё рўё

Гулим дердинг, гулойим дердинг,  
Муҳаббатдан айтиб эртақлар.  
Кўзларингга кулгандай баҳор —  
Гўё ишқдан униб чечаклар.

Баҳорлар бор сендан дарак йўқ,  
Ёлрон экан, Рўё каломлар.  
Гўё тушга ўхшади кечмиш,  
Айтилгандай тушда у номлар.

Орзуларни сўлгани ёмон,  
Туш, ё рўё, қолгани тамом.  
Ҳижрон дарди синади офир,  
Бахт қасрида энди йўқ имкон...



## Илк қадам...

*(Қизалоғим тилидан)*

Мақтаб бағри чорлар мени,  
Талпинаман у томон.  
Гарчанд, митти қиз бўлсам,  
Орзуларим бир жаҳон.

Фақат билим, устозларим,  
Дил сўзини тинглайман.  
Ва Ватанни севмоқ нима,  
Эканлигин англайман.

Содиқ бўлиб эл-у юртга,  
Юракдаги тилагим.  
Қандай бахтдир, англамоқлик  
Шу Ватанга керагим!

Ўзбекистон онамдайин,  
Митти қизман бағрида.  
Камол топиб, улғайиб мен,  
Этажакман, қадрига!



## Тушқунлик

Моҳларойим сабрини,  
Тилайман гоҳ ўзимга.  
Синган кўнгил дардини,  
Раво кўрмам, ҳеч кимга.

Гоҳи ожиз, нотавон,  
Қаноатсиз хаёлман.  
Гоҳ иғволар сочилар,  
Дилхун, сокин аёлман.

Фисқу-фужур, риёдан,  
Қалбга чўқар сукунат.  
Турналарга боқаман,  
Бормисан оҳ, муҳаббат.

Фалак тинглар оҳимни,  
Қанот ёзар дардларим.  
Чорланг, бир зум Моҳимни  
Тўқай дилдан гардларим.



\* \* \*

Дўстингман, деб урадилар лоф,  
Гоҳида дер, ичимдагин топ.  
Миш-мишлардан қочолмай йироқ  
Гоҳ бошингга синади таёқ.

Ачингандай бўлиб ҳолингга,  
Дўстингман, деб ҳасад сочарлар.  
Миш-мишлардан озорда дилинг  
Ҳолинг кўриб, зимдан қочарлар.

Асл дўстинг, дўст йўлин тутар,  
Ёмонликни кўрмагай раво.  
Шод кунингга шерик бўлгайлар,  
Ахир, шундан ёруғдир Дунё...



## Биринчи Ўқитувчимга!

Алифбонинг варақларин,  
Суртай бугун кўзимга.  
Устоз, ҳаёт сабоқларин,  
Англатдингиз сиз бизга.

Ватан сўзин сингдирдингиз,  
Онамдайин мўътабар.  
Нондай азиз тупроқ дея,  
Эзгуликка баробар.

Орзуларга қанот бериб,  
Бошладингиз манзилга.  
Яхшиликка чорлаб мудом,  
Нур бердингиз кўнгилга.

Бугун сизга таъзимдаман,  
Устоз қалбим кўрисиз.  
Сиз Ҳаётнинг кўрғони-ю  
Умр қасрин нурисиз!



## Мундарижа

Шоира ҳақида сўз.....	3
Ватан.....	5
Ҳеч кимса адашмасин.....	6
Дўстимга.....	6
Юрагим.....	7
Ҳайрат.....	8
Миннат.....	8
Аёл меҳри.....	9
Оқибатни унутманг, зинҳор.....	10
Аёл—меҳр меҳвари.....	11
Алла.....	12
Дийдор.....	13
Онам.....	14
Илҳомим.....	14
Мусаддас.....	15
Янги йил.....	16
Сўнги кўнғироқ.....	16
Кел—эй, дўстим.....	17
Ғузорим.....	18
Ўзбегим.....	18
Дунё.....	19
Аёл.....	20
Ўзбек йигити.....	21
Онамсан, Ўзбекистон.....	22
Тонг ва тун.....	23
Марсия.....	24
Қизалоғим Дилдорага.....	25
Она замин.....	26
Туш, ё рўё.....	26
Илк қадам.....	27
Тушкунлик.....	28
Дўстингман, деб урадилар лоф.....	29
Биринчи Ўқитувчимга.....	30

Шоира Тоғайқулова

# ХАЁЛ ОСМОНИДА

*Шеърлар*

Муҳаррир *Ҳ.Нишонов*  
Бадий муҳаррир *Ҳ.Худойбердиев*  
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*  
Саҳифаловчи *А. Турсунов*

Босишга 17.10.2007 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 1,0 б.т. Нусхаси 500.  
Буюртма № 139 . Шартнома №  
Нархи келишилган асосда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент шаҳри Х.Сулаймонова кучаси 33-уй